

**Лойиха-смета хужжатларини тайёрлаш ишларини бажариш учун  
28-сонли ШАРТНОМА**

Тошкент ш.

“21” 07 2022 йил

Бундан буён “Буюртмачи” деб аталувчи “Фарғона мінтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДУК номидан Низом асосида иш юритувчи директор Ш.Пўлатов биринчи томондан ва иккинчи томондан “Бажарувчи” деб аталувчи “Avtoyo’l loyiha va qurilish” МЧЖ директори М.Туляганов орқали Ўзбекистон Республикаси қонунларига асосан қўйидаги шартномани туздилар:

### **1. Шартнома предмети**

1.1. “Буюртмачи” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18-март кунги 2022-2026 йилларда “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларини амалга ошириш чора-тадбیرлари тўғрисидаги ПҚ-172 сонли қарорига асосан бюджет маблағлари хисобидан Сувлиариқ МФЙ Увайсий кўчаси ички йулларни жорий таъмираш ишлари учун лойиха смета хужжатлари тайёрлаш (Лот № 116808) лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқиш ишларини топширади, “Бажарувчи” эса ўз зиммасига олади.

### **2. Шартнома баҳоси ва тўловлар қоидалари**

2.1. Ишларни амалга оширишнинг шартнома баҳоси ҚҚС билан 2 580 000 (икки миллион беш юз саксон минг) сўмни ташкил қиласди.

2.2 “Буюртмачи” 10 (ўн) банк куни ичида шартнома баҳосининг 30% миқдорида аванс тўловини амалга оширади.

2.3. Ишлар қийматини кўпайтиришга енгиг бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда ёки ишлар ҳажми “Буюртмачи” томонидан ўзгартирилганда шартнома баҳоси ўзгартирилиши мумкин.

### **3. Томонлар мажбуриятлари**

3.1. “Бажарувчи” ишларни шартнома газначилик бошкармасидан руйхатдан утгандан сунг 10 (ўн) кун муддатда бажаришни ўз зиммасига олади.

3.2. “Бажарувчи” лойиха смета хужжатлари қайта хисоблангандан сўнг лойиха хужжатларини экспертизадан ўтказишда иштирок этишини ўз зиммасига олади.

3.3. “Буюртмачи” ишларни амалга ошириш учун зарур бўлган бирламчи маълумотлар ва материалларни “Бажарувчи”нинг сўрови асосида тақдим қилиши шарт.

3.4. “Буюртмачи” шартномада кўзда тутилган шартлар ва тартиблар асосида тўловни амалга ошириш, ишларнинг шартномада кўрсатилган ҳажм ва шартларга мувофиқ бажарилишида “Буюртмачи” томонидан бажарилиши зарур бўлган ишларни бажариш, бажарилган ишлардан шартномада кўзда тутилган мақсадларда фойдаланишини ўз зиммасига олади.

“Буюртмачи” томонидан аванс тўлов ўз вақтида ўтқазилмаган ҳолда ёки ишни амалга ошириш учун зарур бўлган бирламчи маълумотлар ва материалларни “Бажарувчи”нинг талабига асосан тақдим этмаганида ишларни бошлаш ва тугаллаш муддати ҳам аванс тўлови ва маълумотлар берилиши кечиктирилган вақтга қадар узайтирилади.

### **4. Ишларни топшириш ва қабул қилиш тартиби**

4.1. Ишлар тугагандан сўнг “Бажарувчи” “Буюртмачи”га ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси билан топширади.

4.2. “Буюртмачи” ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномасини олгандан сўнг 10 кун мобайнида ишларни қабул қилиш ва “Бажарувчи”га имзоланган

топшириш ва қабул қилиш далолатномасини ёки ишларни қабул қилмасликнин асосланган рад жавобини юборишни ўз зиммасига олади.

Агар “Буюртмачи” ишларни қабул қилган кундан бошлаб 10 кун муддат ичида “Бажарувчи”га камчиликлар кўрсатилган ишларни қабул қилмаслик рад жавобини юбормаса, ишлар қабул қилинган хисобланади ва бундай ҳолатда “Буюртмачи” ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзолаб, бир нусхасини “Бажарувчи”га қайтариши шарт.

4.3. “Буюртмачи” ишларни қабул қилмаслигининг асосли рад жавобини берган ҳолда зарур бўлган қўшимча ишларнинг рўйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган ҳолда, икки томонлама далолатнома тузилади.

4.4. Агар ишларни бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, томонлар 5 кун муддат ичида уни тўхтатиш тўғрисида бир-бирини хабардор қилиши ва 15 кун ичида ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чикиши шарт. Ишларнинг тўхтатилиши томонлар учун Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида кўзда тутилган оқибатлар ва жавобгарликка олиб келади.

4.5. Томонлардан бири мазкур шартномада кўзда тутилган ишларни тўхтатиш тўғрисида ёзма хабар берган вақт ўзаро ҳисоб-китоб қилиш вақти хисобланади.

4.6. Лозим топилган ҳолларда томонлар холис эксперталрга Лойиха бўйича хулоса учун мурожаат қилиши ёки қабул комиссияси ташкил қилиши мумкин.

## 5. Конфиденциал маълумотларни ҳимоялаш

5.1. Ишлар бажарилиши даврида “Бажарувчи” ўзи конфиденциал хисобланадиган маълумотлар ишлаб чиқсан ёки уларни “Буюртмачи”дан олган ҳолларда уларни ҳимоялаш, ошкор бўлишини олдини олиш мақсадида тегишли тадбир ва чоралар кўради.

## 6. Қўшимча шартлар

6.1. “Бажарувчи” ишларни муддатидан олдин бажарган ҳолда, “Буюртмачи” уни мазкур шартноманинг 4-моддасига асосан қабул қиласи ва тўла тўловни амалга оширади.

6.2. Шартномага томонлар розилиги асосида, ёзма равишда ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

6.3. “Бажарувчи” мазкур шартномада кўрсатилган ишларни бажариш вақтида ўз имкониятларидан келиб чиқиб, “Буюртмачи”ни хабардор қилмаган ҳолда учинчи шахсларни, жумладан юридик ва жисмоний шахсларни мустакил равишда жалб қилиш хукукига эга.

Мазкур шартноманинг шартлари шартнома предмети бўйича тарафларнинг шартнома тузишидан олдин вужудга келган муносабатларига ва “Бажарувчи”нинг обьект бўйича бажарган ишларига нисбатан кўлланилади.

6.4. Мазкур шартнома амал қилиш давомида юзага келадиган тортишувлар, келишмовчиликлар, низолар томонлар тарафидан ўзаро музокара йўли билан ҳал этилади.

Келишувга келинмаган тақдирда тортишувлар, келишмовчиликлар, низолар Иқтисодий судда эътиroz тартибига риоя килган ҳолда кўриб чиқилади. Эътиrozлар ёзма равишда тақдим қилиниши керак ва уларни кўриб чиқиш муддати эътиroz билдирилган томон олганидан кейин 1 (бир) ой муддатни ташкил этади. Мазкур шартнома бўйича низо келиб чиқсан ҳолларда конунда белгиланган тартибда ҳал қилинади.

6.5. “Буюртмачи” томонидан дастлабки тўлов ва “Бажарувчи” томонидан ишлар топширилганда шартлашилган хақи кечикирилган ҳар бир кун учун

мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,2 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пеняниң умумий суммаси шартнома баҳосининг 30 (үттиз) фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлаш “Буюртмачи”ни тўловнинг кечикиши ёки хизматлар, ишларнинг асоссиз қабул қилинмаганлиги туфайли етказилган заарларни қоплашдан озод кilmайди.

6.6 Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатларига, хусусан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий – хукуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунига мувофиқ белгиланади.

6.7. Шартнома тарафлар томонидан имзоланганидан сўнг Вилоят Фазначилик Бошқармаси (бўлими)да белгиланган тартибда рўйхатдан ўтганидан кейин қонуний кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал қиласди.

## 7. Томонларнинг манзили ва ҳисоб рақамлари

### «БУЮРТМАЧИ»

“Фарғона минтақавий йулларга буюртмачи  
хизмати” давлат унитар корхонаси

Манзил: Фарғона ш. Аэропорт кўчаси 1-йй  
ШХР: 3045 2186 0302 4270 4512 9118 026

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги  
Фазначилиги  
х/р: 23 402 000 300 100 001 010  
МФО: 00014, ИНН: 201 122 919

Банк: ХККМ МБ Тошкент шахри Бош  
бошқармаси

Директор  Ш.Пўлатов

Хукуқшунос  Р. Алимов

### «БАЖАРУВЧИ»

“Avtoyo’l loyiha va qurilish” МЧЖ

Манзил: Тошкент шаҳар, Шайхонтохур  
тумани, Махтумкули кўчаси 1-йй  
Тел: (33) 757-77-30

Х/р: 2020 8000 6052 2433 9001  
ХАБ «Trastbank» бош офиси

МФО 00491 ИНН 307 228 216

ОКЭД: 42110

Директор  М.Туляганов



## ТАСДИҚЛАЙМАН

Фарғона мінтақавий йүлларга буюртмачи  
хизмати ДУК директори

Ш.Пұлатов

21.07. 2022 йил

Фарғона мінтақавий йүлларга буюртмачи хизмати ДУК томонидан 13.07. 2022 йил кунги лот № 22110012116808 билан әнг яхши таклифларни танлаб олиш бүйіча давлат харидлари порталиға құйилған зылон якуні бүйіча иғилем

БАЁНИ № 309

### Қатнашдилар:

Ш.Пұлатов  
Х.Тангатаров  
Ё.Маманазарова  
Р.Алимов  
У.Әгамбердиев  
Ш.Солиев  
С.Холходжаев

- Корхона директори
- Баш мухандис
- Баш хисобчи
- Юрист консульт
- ИЧБ бўлим бошлиқ
- Тендерларни ташкил этиш ва шартномалар бўлим бошлиқ
- Лойиха таъминоти бўлим бошлиқ

### Энг яхши таклифни танлаш учун келиб тушган таклифлар:

1. “Автойўл лойиха ва Курилиш” МЧЖ  
“Йўл лойиха” МЧЖ


Иғилемде, иштирокчилар томонидан келиб тушган таклифлар баҳоланғандан сўнг 2 иш куни мобайнида мухокамада бўлған. Ушбу муддат ичидаги иштирокчи корхоналар томонидан хеч қандай эътиrozлар келиб тушмади. Юқоридагиларни инобатга олиб комиссия

### ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўтказилған энг яхши таклифни танлашда энг юқори балл тўплаган ғолиб иштирокчи “Автойўл лойиха ва Курилиш” МЧЖ билан шартнома имзолансин ҳамда энг яхши таклифни танлаш натижалари ҳақидаги маълумотлар (иғилем баёни ва шартнома нусхаси) тегишли тартибда давлат харидларини ўтказиш маҳсус ахборот порталига жойлаштирилсин. Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш Комиссия аъзоси Ш.Солиев зиммасида қолдирилсин.

Комиссия аъзолари

Х.Тангатаров


 Е.Маманазарова

 Р.Алимов

 У.Әгамбердиев

Ш.Солиев

 С.Холходжаев

 М.Абдулмаматова

Иғилем котиби: